ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 142 (10.447) / 2005 ЙИЛ 22 ИЮЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини тубдан яхшилаш, театр санъати, кино, телевидение, санъатшунослик ҳамда мазкур соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, талабаларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини ҳар томонлама тўлиқ юзага чиқариш учун зарур моддий-техник база ва шарт-шароит яратиш мақсадида:***

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй манзили бўйича барпо этилаётган бинолар комплексини Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтига бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ушбу объект қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар, санъат соҳасидаги олий ўқув юртлари ўқув-ижодий жараёнларининг ўзига хослиги ва алоҳида талабларини, институтни аудиториялар, мастер-класслар, яъни «маҳорат синфлари», студиялар ва бошқа зарур хоналар билан таъминлашни инобатга олган ҳолда, институт тасарруфига берилаётган бинолар комплекси ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритсин.

Институт тасарруфига берилаётган ўқув биносини реконструкция қилиш бўйича юқорида қайд этилган барча ишлар 2005 йилнинг 1 сентябригача якунлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда мазкур бинолар комплексини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва техник таълим воситалари, ускуналар, мебель, дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозлаш, институтнинг янги бинодаги фаолиятини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни ажратиш бўйича барча масалаларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

4. Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тақдим этилган, бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони 253 киши, жумладан, бошқарув ходимлари 45 киши қилиб белгиланган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бир ой муддатда қуйидаги ишларни амалга оширсин:

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти тузилмасини иловага биноан тасдиқланган тузилмага мувофиқлаштирсин;

факультет деканатларини шакллантирсин, кафедралар сонини мақбул даражага келтирган ҳолда, уларнинг рўйхати ва номланишини қайтадан кўриб чиқсин;

институтнинг штатлар жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин;

институтнинг профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамласин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 21 июль*



MУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 14 O'ZBEKISTON

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ИШГА ТУШАДИ



**Йўловчилар узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи транспорт воситалари орасида темир йўл транспорти ҳам алоҳида ўринга эга. Кунига минглаб кишиларни ўз манзилларига бехатар етказишда тинмай меҳнат қилаётган темир йўл ходимлари хизматидан барча йўловчилар миннатдор. Ёзнинг жазирама иссиғида салқин, шинам, барча шароитларга эга вагонлар албатта йўловчилар дилига хуш ёқиши табиий. Бундай вагонларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши ва қайта таъмирланиши эса ҳаммасидан ҳам қувонарлидир.**

“Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятининг вагон йиғиш, ғилдирак-юк, механик, аккумулятор, гальваник, экспериментал, ёғочга ишлов бериш каби 16 та ишлаб чиқариш цехларида вагонлар йиғилиб, тайёр ҳолга келтирилади. Ҳозирги кунда заводда темирчилик, пресслаш, пластмасса маҳсулотлари ва техник резиналар тайёрловчи ускуналар билан бир қаторда Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Кореянинг замонавий, илғор технологиялари ҳам ўрнатилган.

Айни дамда бу ерда вагонлар махсус капитал таъмирдан чиқарилади.- Бунда эса вагоннинг салонларини ҳам таъмирлаш кўзда тутилган. Завод ходимлари ҳозирда Тожикистон давлати билан имзоланган шартномада кўзда тутилган вагонларни таъмирлаш устида иш олиб боришмоқда. Шунингдек, завод Қозоғистон билан шартнома асосида электропоездларни таъмирлашни ҳам режалаштирган.

Айни кунларда завод ишчи-хизматчилари янги “Шарқ” номдаги вагонлар йиғилмасини реконструкция қилишиб, тайёр ҳолатга келтиришди. Тез орада Бухоро-Тошкент йўналишида ҳаракатланадиган ушбу янги йўналиш Мустақиллик шодиёналари арафасида халқимизга ўзига хос совға бўлади. Шунингдек, айни дамларда завод вагонсозлари Алишер Навоий номли Миллий боғдаги 5 та болалар сайр вагонларини ҳар томонлама замонавий кўринишда таъмирлашни бошлади. Яқин кунларда ниҳоясига етказиладиган ушбу таъмирлаш ишларидан ажойиб кўриниш касб этувчи ушбу янги сайр вагонлари жажжи болажонларимизга ҳам муносиб туҳфа бўлади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: бўяш цехи бошлиғи Рустам Мирсамуков ва бўёқчи Азиз Мавлонов иш сифатини кўздан кечирмоқда, таъмирланган вагонлар.**

### ПОЙТАХТНИНГ бир куни
Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорликларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Огоҳлик — давр талаби» деб номланди.

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида китобхонлар ҳамда 289-мактаб ўқувчилари иштирокида «Болалар соғлиғи — юртимиз бойлиги» мавзуида ўтказилган адабий кеча Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди.

● **БУГУН** Ойбек маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатида ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш хусусида сўз борди.

● **КЕЧА** Сергели туманида «Миллий қадриятларимиз» мавзуида ўтказилган семинар «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни «Янги ҳаёт» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ҳамкорликларида маҳалла аҳли иштирокида маданий-маърифий кеча ва концерт дастури ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

### ХХI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● **«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг «Оила» тиббиёт марказида кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун «Қуёшча» соғломлаштириш оромгоҳи очилди.**

● **Нукусда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан «Болалар спорти иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш» мавзуида амалий семинар-кенгаш ўтказилди.**

● **Наманган Давлат университетида «Муқаддас лира» анъанавий танлови ўтказилди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Болалар кутубхонасида Япон маданияти кунлари бўлиб ўтди.**

● **Бухоро шаҳридаги «Касатка» кўп тармоқли хусусий фирмасининг фаолият доираси кенгайди. Бу ерда аҳолига почта ҳамда «BIS» ахборот маркази хизмати йўлга қўйилди.**

● **Жондор туманидаги 2-мактаб янги ўқув йили олдидан бутунлай қайта таъмирланмоқда. Мазкур ишлар учун давлат бюджетидан 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Таъмирлаш ишларини «20-трест» корхонаси ишчилари бажармоқда.**

#### Жаҳонда

● **Кеча Лондон шаҳри марказидаги Варрен Стрит, Овал, Шефердс Буш метро станцияларида қўлда ясалган бомбалар портлатиб юборилди. Айни пайтда Лондон метросининг тўртта йўналишида ҳаракат бутунлай тўхтатилган. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.**

● **Еврокомиссия Европа Иттифоқи қамраган ҳудудда умумий банк тизимини яратишга киришди.**

● **Хитойлик олимлар рак касаллигига қарши курашда буюк кашфиёт сифатида баҳоланган янги дори воситасини яратишди. Янги доринингаввалгиларидан фарқи шундаки, у рак ҳужайраларини ўлдириш билан бирга, турли ўсимталарнинг илдизини қуритади ҳамда оғриқни пасайтиради.**

● **Индонезия бир нечта фуқароларининг парранда гриппи хасталигидан кўз юмганлиги тўғрисидаги маълумотни расман тасдиқлади.**

● **Перунинг Лима шаҳри атрофларида сохта пул ясовчиларни фош қилиш бўйича улкан операция амалга оширилди. Полициячилар фирибгарларни жиноят жойида қўлга олишлари натижасида 2 миллионга яқин сохта долларлар олинди.**

5.45 Сериал «Право на защиту».
6.45 «Мой серебряный шар. Леонид Куравлев». Ведущий - Виталий Вульф.
7.45, 10.45, 13.25, 16.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 Комедия «Агент по кличке «Спот» (США - Австралия).
11.30 Сериал «Крот-2».
14.10 «Кулагин и партнеры».
14.45 Сериал «Кармелита».
15.45 Сериал «Исцеление любовью».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!»
18.00 «Аншлаг» на Алтае».
20.00 Боевик «Штемп».
21.50 Комедия «Охотники за привидениями - 2» (США).
23.55 «Дорожный патруль».
0.10 Вупи Голберг в фильме «Сердце Клары» (США).
2.05 Сериал «Закон и порядок».

### НТВ

5.00 «Сегодня утром».
7.20 «Тайны разведки».
7.55 Сериал «Линия защиты».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня».
9.20 «Военное дело».
9.55 Сериал «Карусель».
10.55 Сериал «Жизнь - поле для охоты».
12.35 Боевик «Криминальный квартет».
14.35 «Игры разума».
15.20 Ток-шоу «Принцип домино».
16.30 «Шоу Степаненко».
17.35, 20.50 «Чрезвычайное происшествие».
18.40 Питер Уэллер, Нэнси Аллен в фильме «Робот-полицейский» (США).
21.00 «Сегодня 22.00».
21.15 Боевик «Четвертый ангел» (Великобритания - США - Канада).
23.20 «Новая волна - 2005». Международный конкурс молодых исполнителей популярной музыки в Юрмале.
1.55 Сериал «Брэм и Элис».
3.15 Сериал «Морская полиция. Спецотдел».
4.05 Сериал «Неизвестная война».

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Фильм «Глупый случай» (США).
12.00 Фильм «Штаны».
14.00 «Осторожно, модерн!»
15.00 Фильм «Дознание пилота Пиркса».
17.00 Фильм «Подземелье».
19.00, 1.00 Сериал «Ее звали Никита».
20.00 Сериал «Третья смена».
21.00 Фильм «Зимняя вишня».
22.50 Фильм «Запятнанная репутация» (США).
2.00 Фильм «Семь дней до смерти».

### СТС

7.00 «16-й отдел». Сериал.
8.30, 19.55, 1.00 Комедия «Моя прекрасная няня».
9.00, 21.00 «Операция «Цвет нации». Сериал.
10.00, 20.30, 0.30 Истории в деталях.
10.30 «Дорогая Маша Березина». Сериал.
11.30 Фильм «Телохранители против сил тьмы».
13.10 Осторожно, модерн-2.
13.40 Скрытая камера.
14.00 Комедия «Новая семейка Аддамс».
14.30, 15.00 Мультфильмы.
17.00 «Зена - королева воинов». Сериал.
18.00 «Зачарованные». Сериал.
19.00 «Комиссар Рекс». Сериал.
22.00 Фильм «Целуя девушек» (США).
1.35 Фильм «Обманутая» (США).
3.35 Фильм «Собачий секрет» (США).
4.55 Фильм «Три дня» (США).

## ШАНБА, 30

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Сув ости тадқиқотлари». Ҳужжатли телесериал.
«Болалар сайёраси»:
9.30 1. «Санъат ғунчалари».
2. «Олтин тож».
10.20 «Мусиқа дунёси».
10.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
11.10 «Оналар мактаби».
11.30 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.30 «Дўстлик» тележурнали. 1.»Чинсэн». 2. «Умид».
13.00 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.10 ТВ-анонс.
14.15 Спорт янгиликлари.
14.30 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Виктория». Бадиий фильм.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
16.10 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.55 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.15 «Экран хандаси».
17.35 «Бизнес ҳафта».
17.50 «Интеллектуал ринг».
18.30 «Талваса». Видеофильм. 2-қисм.
19.05 «Ёшлик наволари».
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Ҳаёт давом этади».
20.30 «Ахборот».
21.05 ТВ-анонс.
21.10 «Йиллар армони».
21.50 «Киноафиша».
22.10 Жаҳон киноси. «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР».

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 Мафтунингман, диёрим!
8.35 «Янги авлод» студияси: Китоб жавони.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Эсмеральда». Телесериал.
9.55 Ўқишга марҳамат!
10.00 Ватанпарвар.
11.00, 14.00 17.15, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.10 «Давр»-интервью.
11.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
12.10 Оҳанрабо.
12.50 «Маҳобҳорат». Телесериал.
13. 35 Табобат оламида.
14.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан: Винченцо Беллини. «Норма» операси.
15.30 Бола тилидан.
16.00 «Норма» операсининг давоми.
17.20 Интерфутбол.
18.10 Кўрсатувлар дастури.
18.15 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Мафтунингман, диёрим!
19.45 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
20.35 Кутилмаган меҳмон.
21.00 Эълонлар.
21.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Кулгуч.
22.55 «Скарлетт». Бадиий фильм 5-6 - қисмлар.
0.25-0.30 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ».

17.20 Программа передач.
17.30 «Мульткарусель».
17.40 «Незабываемые места Франции». Док. фильм.
18.30, 20.00, 21.25, 23.10 Информационная программа «Пойтахт».
18.50 «Шунақа гаплар». Хажвий курсатув.
19.10, 21.45 Телегазета «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 «Пойте с нами».
21.05 «Ёшлар даврасида».
22.05 Кинооко: «Стакан воды». 2-серия.
23.30-23.35 Спокойной ночи, город !

### «СПОРТ»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (На русском языке)
9.00 «Мультсериал».
9.10 «Три окна». Макаревича А.
9.40 Кумиры.
10.20 «Большое кулинарное путешествие».
11.00 «Новости».
11.10 «История с географией».
12.10 «Умницы и умники».
12.50 «В мире спорта».
13.20 Гандбол. Чемпионат Узбекистана.
13.50-15.10 Кураш.
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (На русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.35 Международный чемпионат по водным видам спорта.
18.30 Гала-концерт «Пять звезд».
20.00 «Вести».
20.20 «Стать ближе».
21.00 «Нокаут».
21.30 «Новости».
21.45 «Спорт – моя жизнь».
22.00 «Евро-2004». «Швеция» - «Голландия».
23.35 «Спокойно ночи!»

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости.
5.10 «Лучшие звери на телевидении». Документальный фильм.
5.40 Фильм «Тайна двух океанов». 1-я серия.
7.20 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря.
8.10 Здоровье.
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича.
9.40 «Кумиры». Леонид Якубович.
10.20 «Большое кулинарное путешествие».
11.10 История с географией. «Смерть снежного человека».
12.10 Умницы и умники.
12.50 Фильм «Три дня вне закона».
14.50 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса. Впервые в России.
14.55 Футбол. Чемпионат России. «Локомотив» - ЦСКА. Прямой эфир.
17.10 Субботний «Ералаш».
17.30 Лариса Долина, Лев Лещенко, Филипп Киркоров и другие в праздничном концерте.
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным.
20.00 Время.
20.20 Детектив «Набережная Орфевр, 36» (Франция).
22.20 «Вне игры». Юмористическая программа.
23.30 Приключенческий фильм «Двойная рокировка» (Гонконг).
1.20 Квентин Тарантино, Мадонна в фильме «Девушка номер 6» (США).
3.10 Сериал «Дефективный детектив».

### «РОССИЯ»

3.00 «Доброе утро, Россия!»
4.40 «Золотой ключ».
5.00, 8.00, 11.00, 17.00 Вести.
5.10, 8.10 Местное время. Вести-Москва.
5.20 «Русское лото».
5.55 «Утренняя почта».
6.25 Дэвид Суше в детективе «Пуаро Агаты Кристи. Убийство Роджера Акройда» (Великобритания).
8.20 «В поисках приключений».
9.20 «Комната смеха».
10.15 «Кремлевские асы».
11.20 Детектив «Предварительное расследование».
13.00 «Земное и небесное. Без Патриарха». Ведущий - Юрий Шевчук.
13.40 «Земное и небесное. Крестный путь». Ведущий - Валерий Золотухин.
14.20 «Золотой голос Греции. Далярас».
15.00 «Кубок юмора».
17.25 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
17.55 «Аншлаг» на Алтае».
19.45 Комедия «Сматывай удочки».
22.00 Кейт Хадсон в триллере «Сплетня» (США).
23.55 «Горячая десятка».
0.50 Комедия «Возможности для карьеры» (США).
2.20 Канал «Евроньюс».

### НТВ

5.00 Фильм «Робот-полицейский».
6.35 Национальное Географическое Общество детям.
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня».
7.15 Сериал «Полицейский Кэттс и его собака. Похищение».
7.50 «Без рецепта». Доктор Бранд.
8.25 «Дикий мир» с Тимофеем Баженовым.
9.20 Семен Альтов в программе Павла Лобкова «Растительная жизнь».
9.55 «Кулинарный поединок. Саша+-Маша».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.20 «Особо опасен!»
13.00 Всеволод Санаев в детективе «Версия полковника Зорина».
15.20 «Женский взгляд» Оксаны Пушкиной. Раймонд Паулс.
15.55 «Своя игра».
16.55 Сериал «Кодекс чести».
18.40 Профессия - репортер.
19.15 Софи Марсо, Винсент Перес в комедии «Я остаюсь» (Франция).
21.30 Боевик «Майами блюз» (США).
23.20 «Новая волна - 2005». Международный конкурс молодых исполнителей популярной музыки в Юрмале.
2.05 «Фактор страха». Экстремальное шоу.
3.10 Детектив «Близкий незнакомец» (США).

### ТВ-3

7.30 Мультфильмы.
10.00 Фильм «Семья робинзонов» (США).
12.00 Фильм «Легенда о звере» (Великобритания).
15.00 Фильм «Зимняя вишня».
16.50 Фильм «Дневник его жены».
20.30, 1.30 Сериал «Откройте, милиция».
21.00 Фильм «Владычество» (США).
23.00 Фильм «Дом мертвых» (США - Канада - Германия).
2.00 Фильм «Запятнанная репутация».

### СТС

7.00 «Скуби Ду и легенда о вампире». Полнометражный мультфильм.
10.00 «Полундра!» Телеигра.
10.30 Фильм «Фрикадельки» (Канада).
12.30 «Хорошие шутки». Концерт.
15.00 «Спасите, ремонт». Развлекательная программа.
16.00 Фильмы производства ВВС.
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 «Улицы разбитых фонарей. Новые приключения ментов». Сериал.
18.25 Фильм «Целуя девушек».
20.50 Комедия «Моя прекрасная няня».
22.00 Фильм «Окончательный анализ» (США).
0.40 Фильм «Человек тьмы-3. Умри, человек тьмы» (США).
2.30 Фильм «Куб» (Канада).
4.00 Фильм «Незабываемое» (США).

## ЯКШАНБА, 31

### «Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Камалак» экрани: «Ғарбга саёҳат». Мультсериал.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 «Монте Карлодаги цирк фестивали».
12.00 ТВ-анонс.
12.05 «Дўстлик» тележурнали: 1.«Рангинкамон». 2. «Дидар».
12.35 «Интеллектуал ринг».
13.15 «Киноафиша».
13.35 «Зита ва Гита». Бадииий фильм. 1-қисм.
14.40 ТВ-анонс.
14.45 «Ҳаёт давом этади».
15.05 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.15 ТВ-анонс.
16.20 «Йиллар армони».
17.00 «Муҳаббат қўшиқлари».
«Болалар сайёраси»:
17.10 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож».
18.00 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
18.20 «Талваса». Видеофильм. 3-қисм.
19.05 ТВ-анонс.
19.10 «Портретга чизгилар».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Яхшилик».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 ТВ-анонс.
21.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.20 «Айтишув».
23.10 Жаҳон киноси. «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
8.30 Мафтунингман, диёрим!
8.35 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
8.55 «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». Мультфильм.
9.25, 16.05, 19.30 ТВ - анонс.
9.30 Кулгуч.
9.40 Ёшлик наволари.
9.50 Болалар учун фильм: «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи».
11.10 Саломатлик сирлари.
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.20 «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидан лавҳалар.
12.40 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
13.30 «Маҳобҳорат». Телесериал.
14.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.35 Чемпион сирлари.
14.55 Ринг қироллари.
15.45 Кинотақдим.
16.10 «Сен етим эмассан». Бадиий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Мульттомоша».
17.40 Мафтунингман, диёрим!
17.45 «Эрамиздан аввалги дунё». Илмий-оммабоп фильм. 2-қисм.
18.10 Сув - ҳаёт манбаи.
18.15 Одил Шомуродов куйлайди.
18.35 Хуш келибсиз!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Жараён.
20.00, 20.50 Эълонлар.
20.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.55 Оҳанрабо.
21.35 «Скарлетт». Бадиий фильм. 7-8-қисмлар.
23.05-23.10 Хайрли тун!

### «ТОШКЕНТ»

«Тошкент» телеканали ижодкорлари 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик» йили деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилаётган «4 карра йўқ, 4 карра ҳа!» телемарафонини соат 15.00дан 23.45 гача эфирга узатади.

### «СПОРТ»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (На русском языке)
9.00 «Секреты здоровой пищи» (на английском языке)
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Веселые старты».
10.50 «Ваш соперник гроссмейстер».
11.10 Живой мир.
12.20 Дональд Дак представляет.
12.50 «Медовый месяц». Худ. фильм.
14.30-15.00 «Рекорды Гиннеса».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (На русском языке)
17.15 «Детский спорт».
17.35 Кураш.
18.30 Гала-концерт «Пять звезд».
19.40 «Один на один».
20.40 «Вести недели».
21.00 Студия «Узбектелефильм» представляет: «Армрестлинг». Док. фильм.
21.15 Музыкальная программа.
21.30 «Новости».
21.45 «Спорт – моя жизнь».
22.05 «Проф-РИНГ».
22.55 «Евро-2004». «Дания» - «Чехия».
00.20 «Спокойной ночи!»

### ОРТ

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 «Лучшие звери на телевидении». Документальный фильм.
6.00 «Тайна двух океанов». 2-я серия.
7.10 Армейский магазин.
7.40 Дисней-клуб. «С добрым утром, Микки!»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым.
9.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым.
9.30 Пока все дома.
10.10 Дог-шоу.
11.10 Живой мир. «Прогулки с динозаврами».
12.20 Дисней-клуб. «Дональд Дак представляет».
12.50 Комедия «Медовый месяц».
14.30 Юбилейный концерт Владимира Кузьмина.
15.50 «Смешные люди».
18.20 Приключенческий фильм «Остаться в живых». Фильм 4-й.
20.00 Время.
20.20 Сигурни Уивер, Вайнона Райдер в последнем фильме «Чужой-4. Воскрешение» (США).
22.20 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Роман Кармазин - Касим Оума.
23.20 Суперчеловек. «Последний неандерталец». Фильм 2-й.
0.20 Сериал «Секретные материалы».
2.00 Рита Хейуорт в фильме «Саломея» (США).
3.50 Сериал «Дефективный детектив».

### «РОССИЯ»

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.00, 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
5.10, 8.10 Местное время. Вести-Москва.
5.20 «Студия «Здоровье».
5.50 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
6.05 Петр Вельяминов, Донатас Банионис, Михаил Волков и Владимир Кашпур в героико- приключенческом фильме «Командир счастливой «Щуки».
8.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
8.55 Сериал «Приключения мага».
10.00 «Гром над палубой. Судьба авианосца».
11.20, 14.10 Сокровища индийского кино. Радж Капур в фильме «Мое имя клоун».
15.10 «Наши песни».
17.25 «Специальный корреспондент».
17.50 Эдди Мерфи в комедии «Чокнутый профессор» (США).
19.40 Пол Хоган в фильме «Крокодил Данди в Лос-Анджелесе» (США - Австралия).
21.30 Вин Дизель в триллере «Черная дыра» (США).
23.25 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Венгрии. Трансляция из Будапешта.
0.30 Сериал «Прочная сеть-2» (США).
1.20 Канал «Евроньюс».

### НТВ

4.55 Комедия «Я остаюсь».
6.30 «Сказки Бажена».
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня».
7.15 Сериал «Полицейский Кэттс и его собака. Жизнь продолжается».
7.40 «Их нравы».
8.25 «Едим дома!»
9.15 «Чистосердечное признание».
9.45 «Top gear». Программа про автомобили.
10.25 Фильм «Мерседес» Уходит от погони».
12.20 «Военное дело».
12.55 Макалей Калкин в комедии «Наравне с отцом» (США).
15.20 «Тайны разведки».
15.55 «Своя игра».
16.55 Сериал «Кодекс чести».
18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
19.00 Комедия «Доктор Голливуд» (США).
21.15 Фильм «Познакомьтесь с Дороти Дендридж» (США).
23.20 «Новая волна - 2005». Международный конкурс молодых исполнителей популярной музыки в Юрмале.
1.55 «Фактор страха». Экстремальное шоу.
3.15 Комедия «Ограбление по-итальянски» (США).

### ТВ-3

7.30 Жизнь, полная радости.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Фильм «Семья робинзонов».
12.00 Фильм «Звездопад».
15.00 Фильм «Девять жизней».
17.00 Фильм «Владычество».
20.00, 1.00 Сериал «Вечное лето».
21.00 Фильм «Охотники за разумом» (США).
23.05 Фильм «Способная ученица» (США).
2.00 Фильм «Дом мертвых».

### СТС

7.00 «Скуби Ду на острове мертвецов». Полнометражный мультфильм.
8.15 «Остров ошибок». Мультфильм.
10.30 Фильм «Фрикадельки». Часть 2-я (США- Канада).
12.25 Комедия «Моя прекрасная няня».
13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу.
15.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа.
16.00 Фильмы производства ВВС.
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
17.30 «Кадеты». Фильм. 1-я и 2-я серии.
22.00 Фильм «Знакомьтесь, Джо Блэк» (США).
2.00 Фильм «Выпускник» (США).
3.50 Фильм «Любовь и секс» (США).
5.10 Фильм «Бог любви» (США).

*Санъат*

# "НАСТАРИН" ДУНЁ САҲНАСИДА

**Юртимиз Мустақилликка юз тутганига 14 йил тўлмоқда. Бу давр мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт довруғи дунё мамлакатларига таралди. Дарҳақиқат, бугунги кунда бошқа соҳалар қатори адабиёт, санъат соҳасидаги ютуқларимиз ҳам беқиёсдир. Жумладан, Ватанимиз довруғини дунёга таратишда шаҳримиздаги "Настарин" гуруҳининг ҳам ўз ўрни бор.**

Шайхонтоҳур туманидаги 23-сонли болалар мусиқа мактаби қошида ташкил топган "Настарин" гуруҳининг обрўси кундан кунга ортмоқда. Мазкур гуруҳ 2003 йилда "Ўзбекистон қўшиқ байрами" Республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаган, яна шу йилда "Ёшлар" телеканалида "Йилнинг энг оригинал болалар қўшиқ ижрочиси" деб топилган бўлса, 2004 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида ўтказилган "Жаҳон болалар байрами" фестивалидан совриндор бўлиб қайтди.

Бу йилчи, дерсиз? Ҳа, изланишдан, интилишдан тўхтамайдиган гуруҳ аъзолари 2005 йилнинг 24 майидан 4 июнигача Туркияда, турк дунёси тадқиқотлари фонди томонидан уюштирилган "Дунё болалар байрами" фестивалида фаол қатнашиб, унинг совриндори бўлди. Фестиваль ўз олдига бутун дунё болалари бирбири билан иноқ бўлиб дўстлашса, унда келажак авлодлар тинчлик ва тотувликда яшайдилар, деган мақсадни қўйгани эътиборга лойиқдир. Истамбул шаҳрида 30 май куни фестиваль қатнашчиларининг паради бўлиб ўтди. Унда "Настарин" гуруҳи юртимиз байроғини ҳилпиратиб, дунё саҳнасида ўзлигини намоён этди. Гуруҳнинг яккахон хонандаси, Мухтор Ашрафий номидаги Республика кўрик-танловининг эстрада хонандалиги бўйича совриндори Шаҳзода Содиқова эса "Яккахонлар" танловида олтин медаль билан тақдирланди.

Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунида фестиваль совриндорларининг гала концерти бўлиб ўтди. Унда "Настарин" гуруҳи миллий, халқона қўшиқларимизни куйлаб, тингловчилар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.



–Бизнинг гуруҳимиз болалари,– дейди "Настарин" гуруҳининг бадиий раҳбари Ангелина Ли. – Туркияда бўлган сафаримиз давомида маҳаллий оилаларда яшади. У ерда ўз тенгдошлари билан тез тил топишиб кетишди. Тилларимиз бир-бирига ўхшашлиги боисидан ҳам улар жуда кўп дўстлар орттиришди. Қолаверса биз Истамбул шаҳрининг гўзал манзаралари, маҳобатли, кўркам иморатлари, тарихий санъат асарлари билан яқиндан танишдик. Мен жуда ҳам бахтиёрман, буни таърифлашга тилларим лол.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, 23-сонли болалар мусиқа мактаби қошида ташкил қилинган "Настарин" гуруҳининг фаолият бошлаганига эндигина 4 йил бўлди. Аммо шу вақт ичида ушбу гуруҳ ўз мавқеига, овозига эга бўлди ва ўз мухлисларини топди.

– Гуруҳимиз юртимизнинг барча шаҳарларида ногирон болалар интернатларида, оромгоҳларда ўз куй-қўшиқ, рақс дастурлари билан фаол қатнашиб келмоқда,– дейди мусиқа мактаби директори Олим Муҳиддинов. –Ҳозир "Настарин" гуруҳида 20 нафар болалар ижод қилмоқда. Шулардан 13 таси Туркияда бўлиб қайтишди. Улар "Наҳори нашта", "Наманганнинг олмаси", "Омон ёр" каби ўзбек халқ қўшиқларини катта маҳорат билан куйлаб, дунё халқларининг олқишига ва меҳрига сазовор бўлдилар. Гуруҳимизга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, пойтахтдаги корхона ва ташкилотлар, Шайхонтоҳур туман маданият ва спорт ишлари бўлими катта ёрдам кўрсатиб, ўз ҳомийлигига олди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга 23-сонли болалар мусиқа мактаби ва "Настарин" гуруҳи аъзолари номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Дарҳақиқат, санъат инсон-



ларни ҳамиша яхшиликка чорлайди, энг ойдин хаёлларга етаклайди, қалбга ором, кўнгилга эса сархушлик иньом этади. Биз санъат йўлида болаларга бош-қош бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, уларнинг орзу-ниятларини амалга оширишда ёрдам бериб келаётган Ангелина Ли ва Олим Муҳиддиновга ижодий баркамоллик, "Настарин" эстрада гуруҳи аъзоларига эса, энг истиқболли, нурафшон, келажак ва омад тилаб қоламиз.

***Гулчеҳра ДУРДИЕВА***

**СУРАТЛАРДА : Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган "Дунё болалар байрами" фестивалидан лавҳалар. Фестивалнинг олтин медаль соҳибаси (ўнгда) Шаҳзода Содиқова.**

*Маслаҳатлар*

## ГУЛ— ХОНАДОНИМИЗ КЎРКИ

**Гулларни қанчалик меҳр билан парвариш қилсак, шунчалик яшнаб, хонадонимизга кўрк бағишлайди.**

Гул тувакларни дераза токчасига жуда ҳам яқин қўйманг. Акс ҳолда гул барглари иссиқ кунларда қуёшдан куйиши, қишда эса совуқ уриб музлаши мумкин.

Гул зараркунандаларини бартараф этиш учун эса вақти-вақти билан пермаганат калийнинг кучсиз эритмаси аралашмасида суғориб туриш лозим. Хонаки гуллар учун чой шамаси, гул тупроғи аралашмаси ҳам ажойиб озуқа ҳисобланади. Гулларга сув қуйишдан аввал 2-4 соат мобайнида сувни тиндириб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, гулларга чой дамламаси қуйиш ҳам фойдалидир. Гуллар учун қўшимча озуқани эса сув билан аралаштириб гул туваги остидаги тагликка қўйилади.

Агар маълум сабабларга кўра гулларни парвариш қилишга имкон бўлмаса, улар нобуд бўлмаслиги учун қуйидагича йўл тутишингиз мумкин: челакка тўлдириб сув солиб, маълум баландлик устига, масалан курси устига қўясиз. Гул тувакларини эса унинг атрофига ерга қўйиб чиқасиз. Челак ичига узун марли ёки бинт солиб иккинчи, учинчи тувак тупроғига тиқиб маҳкамлаб қўйинг. Бундай ҳолда гуллар керакли миқдорда намлик билан таъминланади.

## Барча эътибор болаларга

**Пойтахтимизнинг кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларидан 300 нафардан ортиқ бола бу йил ёзда шаҳарнинг ўзида яхши дам олиб, соғлиғини тикламоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро нохукумат хайрия жамғармасининг «Оила» тиббиёт марказида улар учун «Қуёшча» соғломлаштириш оромгоҳи очилди. Оромгоҳ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш доирасида ташкил этилди.**

Бу ерга келаётган ҳар бир бола тиббий кўрикдан ўтади. Зарурат туғилса, болалар даволанади. Бу иш билан терапевт, педиатр, офтальмолог, кардиолог, невропатолог каби мутахассислар шуғулланади. «Оила» марказида болаларни соғломлаштиришга энг замонавий ташхис қўйиш ва даволаш аппаратларидан фойдаланиш ёрдам беради.

Бундан ташқари бу ерда уларнинг дам олиши учун ҳам яхши шароитлар яратилган. Жиҳозланган болалар майдончаси, сув ҳавзаси мавжуд. Кўплаб тўгараклар ишлаб турибди. Уларда ўғил-қизлар расм чизиш, турли хил бадиий буюмларни ясашни ўрганади. Шунингдек, оромгоҳда дам олувчилар учун ишлаб чиқилган дастурдан пойтахтимиздаги истироҳат боғларига бориш, маданий тадбирларни ўтказиш ҳам ўрин олган.

Ёзги таътилда кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларини соғломлаштириш «Соғлом авлод учун» жамғармасининг барча вилоятларда жойлашган ҳудудий бўлимларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунинг устига бундай болалар нафақат ёзда, балки йил давомида ҳам жамғарманинг доимий эътиборида бўлади.

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рассом Акром Бахромовнинг «Графика, рангтасвир, плакатлар» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.**

*Кўргазмалар*

## «ГРАФИКА, РАНГТАСВИР, ПЛАКАТЛАР»

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадиий академияси раҳбари Турсунали Қўзиев сўзга чиқиб, рассомнинг кенг қамровли ижодининг ёрқин қирралари ҳақида тўхталиб ўтди. А.Бахромовнинг турли техникаларда ижод қилиши, жумладан, акварель, монотипия, тушь ҳамда графика ва рангтасвирларда асарлар ярата олишида унинг тоғаси рангтасвирчи Икром Бахромовнинг меҳнати катта бўлганлиги таъкидланди. Рассом томонидан яратилган плакатлардаги ўзига хослик ва бетакрорлик унинг ишлари қамрови кенгайганлигини, машҳур плакатчи Ф.Кагаровдан олган сабоқлари маҳсули эканлигини англатади. Унинг графика асарларида бўёқларнинг ранг-баранглиги, жилодорлиги, чизиқларнинг жўшқинлиги намоён бўлади.

А.Бахромов кўплаб Республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси. Унинг 50 йиллик таваллудига бағишланган кўргазма рассомнинг рангтасвир, графика, плакатлар йўналишидаги ютуқларини ўзида акс эттирган.

Кўргазмада 70 дан ортиқ асарлар намойиш этилаётган бўлиб, унинг 2 августгача давом этиши режалаштирилган.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

## ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИ

**Истеъмол қилинган тарвуз пўстлоғини ташлашга ошиқманг. Шифокор-мутахассисларнинг фикрича, тарвуз пўстлоғи қон босими ошиши, шунингдек, юрак, буйрак хасталикларида яхши наф беради. Бунинг учун пўстлоқ беш дақиқа давомида қайнатилади ва дамламани кунига уч маҳал ичилади. Бир ойдан сўнг натижаси сезила бошлайди.**

Наъматакдан тайёрланган ичимлик эса организм иммунитетини, яъни ҳимоя қисмини мустаҳкамлашга ёрдам беради. У қуйидагича тайёрланади: куритилган мева майдаланади, бир литр сувга беш ош қошиқ миқдорида солиниб, ўн дақиқа давомида қайнатилади. Сўнг 8-10 соат соат давомида тиндирилади ва докада сузилади. Ушбу шифобахш ичимликни кун бўйи ҳар икки-уч соатда бир стакандан ичилади. Ичимликка асал, шакар, мураббо қўшиш мумкин.

Кун давомида ичилган апельсин шарбати юрак фаолиятини яхшилаш учун ажойиб восита ҳисобланар экан. Бунда юрак-қон томир хасталиклари билан оғриш хавфи бир неча баробарга камайиши кузатилади. Маълумки, апельсинда бошқа цитрус меваларда учрамайдиган геспефидин - флавоноид элементи кўп миқдорда мавжуд. Унинг шифобахшлиги айнан шунинг учун бўлса ажаб эмас.

## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ КЎЗЛАБ

**Ҳар йилги анъанага биноан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида яқинда 2004-2005 ўқув йили якунига бағишлаб байрам дастури бўлиб ўтди.**

Тадбирни Университет ректори профессор Р.Ашуров очар экан, мазкур ўқув йили жараёнида амалга оширилган ислоҳотлар борасида тўхталиб, профессор-ўқитувчиларнинг самарали изланишлари натижасида қатор ўқув адабиётлари яратилганини, ўқув-тарбия жараёнини кенг кўламда ва замонавий асосда ривожлантириш мақсадида ўқитувчи-педагогларнинг малакаларини ошириш бўйича бир қатор ютуқларга эришилганлигини таъкидлаб, бу борада Юртбошимиз ташаббуси билан ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»-ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълим соҳасида улкан ва муваффақиятли ўзгаришларга сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Университет ҳаётида истиқболда турган режаларнинг ниҳоятда аҳамиятга эга эканлиги барчани мамнун қилди. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида 2007 йилда Ўзбекистон талаба-ёшларининг «Универсиада —2007» спорт ўйинларини пойтахтимизнинг «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасидаги марказий спорт майдонида ўтказиш мўлжалланди. Мусобақанинг юқори савияда ташкил этилиши учун замонавий спорт иншоотлари, ёпиқ сув ҳавзасини бунёд этиш, мавжуд 5000 кишилик стадионни 25000 мухлис кетадиган тарзда қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган бундай имкониятлар ёш авлоднинг Миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланиб, баркамол инсон бўлиб етишида катта аҳамият касб этади.

***Наргиза ДЎСМУҲАМЕДОВА***




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.**

*Қадимги кулги дарғалари*

# АЛИ САФИЙ

**Бу нозик дид адиб катта муҳит тарбиясини олган ижодкордир. Унинг отаси Ҳусаин Воиз Кошифий (1444-1505), асл исми Камолиддин бўлиб, машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг жияни, забардаст шоир ва адабиётчилардан эди. Кошифий ўз фарзанди Фахриддинни алоҳида тарбиялаб, ҳар бир соҳада етук маълумотлар беришга интилган.**

Фахриддин Али Сафий тахминан 1465-66 йилда Сабзавор шаҳрида туғилган, отаси 1470 йилда Ҳиротга кўчиб келганидан кейин бу ерда керакли билимга эга бўла бошлайди. У ўз ҳикоятларининг кўпини халқнинг ўзидан олади ва форсий тилда яратилган мумтоз шеъриятнинг беш асрлик анъанасига таянган ҳолда уларга сайқал беради. Шунингдек, халқ орасида юриб, тўплаган ҳазил-ҳузул мутойибалару латифаларни даставвал «Латоиф ут-тавсиф» («Турли тоифадаги латифалар») деган номда китоб ҳолида чиқаради. У бундан ташқари «Рашаҳоти айнал ҳаёти» («Ҳаёт томчилари»), «Анисул орифин фил-мавсиз» («Панднасиҳатда орифлар дўсти»), «Маҳмуд ва Аёз» достонини, «Кашф уласрор» («Сирлар кашфи») каби қимматбаҳо асарларни ёзиб қолдирган. 1533 йил кузида Али Сафий Ҳирот шаҳрида оламдан ўтади.

Азиз ҳажв мухлисларига Фахриддин Али Сафийнинг «Турли тоифадаги латифалар» китобидан танлаб олинган баъзи латифаларни ҳавола этамиз.

* * *

Амир Темур форс вилоятларини тобе қилиб, Шерозга келибди ва у ернинг ҳукмдори бўлган Мансурни қатл этдиргач, шоир Ҳофиз Шерозийни тутиб келтиришларини талаб қилибди. Уни келтириш учун шоир Саид Зайнул Обиддин Рукнободий борибди. Рукнободий ўз устозини бошлаб келибди. Амир Темур рўпарасида турган кўриниши хароб ва қашшоқ шоир Ҳофизга дебди:

— Эй Ҳофиз, мен Самарқанд билан Бухорони обод ва маъмур этиш учун бутун ер юзидаги бойликларни сарф этдим. Уларни қандайдир бир гўзалнинг қора холига тортиқ этишга қандай журъат этдинг?

**Агар кўнглимни шод этса**
**ўшал Шероз жонони**
**Қаро холига бахш этгум**
**Самарқанду Бухорони,** — дебсан-а?

Ҳофиз ҳозиржавоблик билан шундай дебди:

— Аё қайсари замона, аё фотиҳи олам. Кўриб турибсиз-ку, ҳаддан ташқари қўли очиқлигимдан мана шундай қашшоқ аҳволга тушиб қолганман.

Бу жавобни эшитган Амир Темур шоирнинг жўшқинлигига тан бериб, ҳофиз Шерозийни ҳайру эҳсонлар билан сарафроз этибди.

* * *

Шайх Камол Хўжандий ўз шеърларида «Ит» иборасини, Ҳасан Деҳлавий эса «Дилбар» сўзини кўп ишлатганлар.

Бир куни Хўжандий билан Деҳлавий девонини бир киши қўшиб, қўлтиқлаб юрганини кўрган шоир унга дебди:

— Ҳой, биродар. Бу икки девонни бир-биридан ажратиб қўй, бўлмаса худди Камолнинг итлари Ҳасаннинг дилбарини еб қўяди-я.

Китоб қўлтиқлаган ҳам бу сирдан хабардор эканми, кулиб қўйибди.

* * *

Ўзига тўқ бир хожа ўлимини ўйлаб, мақбара қурдира бошлабди. Мақбара битишига яқин хожа усталар олдига келиб сўрабди:

— Хўш усталар, қурилишда бирор камчилик борми?

— Бор, — дебди усталардан бири, — тақсир камчилик шуки, фақат, ўзингизнинг вужудингиз етишмай турибди, холос.

* * *

Бир ярамас киши мунажжимнинг олдига келиб қўярда- қўймай толеидан фол очишни сўрабди.

— Мучалинг нима? — дебди ноилож мунажжим.

— Буқа, — дебди ярамас.

— Бунақа мучал бўлмайди.

— Нега бўлмас экан, — дебди ярамас, — ёшлигимда лўлидан сўраганимда мучалинг бузоқ деганди. Энди у катта бўлиб, буқага айлангандир, ахир.

**Тайёрловчи хандапаз:**
**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

# ХАНДАЛАР

Афанди ҳали уйланмаган экан. Аммо бир қиз билан учрашиб юрар экан. Кунларнинг бирида Афанди қизга депти.

— Жоним, менга турмушга чиқмайсизми?

Бу гапни анчадан бери кутиб юрган қизга жон кирибди-да, ноз-ишва билан:

— Майли, — дея жавоб берибди.

Дабдурустдан берилган бу жавобдан эси чиқиб кетган Афанди жим бўлиб қолибди. Орадан бир-икки дақиқа ўтибди. Тоқати тоқ бўлган қиз:

— Нега гапирмайсиз? Бирон нима десангизчи, — деса, Афанди айтармиш:

— Шундоқ ҳам ортиқча гапириб қўйдим шекилли.

* * *

Насриддин Афанди қози экан. Унинг ҳузурига эр-хотин жанжаллашиб келибди.

— Қози почча, — сўз бошлабди эр, — бизга маслаҳат беринг, хотиним билан гапимиз гапимизга тўғри келмаяпти, ҳеч тил топиша олмаймиз.

— Ундай бўлса, — дебди бироз ўйланиб Насриддин Афанди, — таржимон ёлланглар. Ҳаммаси изига тушиб кетади.

* * *

Афанди фирмада қоровул эди. Тунда навбатчилик қилаётган куни қўрққаниданми, кўзига ҳар хил шарпалар кўриниб бақириб юборди.

— Ким у, бемаҳалда ўғрилик қилаётган?

Ҳеч ким овоз бермагач Афанди ўғрини қидирмоқчи бўлди. Хўжайиннинг хонасини очиб мўралади. Хонада ҳеч ким йўқ. Фақат тўрда сейф турибди. «Ўғри шу ерга яширинган-ов», дея хаёл қилган Афанди сейфни бузиб баттар қўрқиб кетди. Чунки сейфнинг ичи тўла даста-даста пул. Ваҳимада Афанди милицияга қўнғироқ қилди.

— Тез етиб келинглар. Фирмамизга ўғри тушди.

Зудлик билан етиб келган милиция ходимлари ҳамма ёқни текшириб чиқишди. Ўғри йўқ. Ҳайрон бўлиб Афандига юзланишди.

— Ўғри қани?

— Билмадим.

— Унда хўжайиннинг хонасини ким очди?

— Мен.

— Сейфничи?

— Мен очдим.

Афандининг жавобидан дарғазаб бўлган милиция ходими яна сўради.

— Нега бу хонани ва пўлат сандиқни очдингиз?

— Ўғри шу ерга яширинган деб ўйлабман.

# КЕЙИН НИМА БЎЛДИ?

**(Телефондаги суҳбат)**

*— Оғайнижон, бу қанақаси? Икки ҳафтанинг ичида қайтараман, деб қарзга пул олган эдинг. Келишилган муддатдан икки кун ўтса ҳам индамайсан. Сени қачондан бери кутаман-а. Дарагинг йўқ. Уйингга телефон қилгандим, оилангдагиларга қаттиқ тайинлагандим. Сен бўлсанг... жимсан. Неча йиллик ўртоқмиз-а. Нима қилай, менга ҳам ўша пуллар керак бўлиб турибди-да. Бўлмаса, сени безовта қилиш ниятим йўқ эди. Топганингда берар эдинг. Ахир...*

*— Сен билан ўртамиздаги ҳисоб-китобни унутганим йўқ. Худди шу ҳақда ўйлаб турган эдим. Бироқ, кўрмайсанми, бирданига ишим кўпайиб кетса бўладими, ўртоқжон. Ана бораман, мана бораман деб турганимда, ҳеч кутилмаганда бир танишим менга бир буюртма берадиган, тез нархини келишиб, пулини олдиндан тўлайдиган бўлиб қолди. Энди биласан, катта иш, катта пул...*

*— Хўш, хўш...*

*— Биласан, у тоғнинг нариги томонида яшайди. Унинг ҳам менга ўхшаб юмуши кўпайиб кетган эканми, билмадим. Ўзи бу томонларга келолмаётганини айтди. Олдига ўзим бориб келишимга тўғри келармиш. Борай десам, ҳам узоқ йўл машаққати, ҳам йўл кира, кутилмаган харажатлар... Харажатга тобим йўқ пайтида... Буям бошоғриғи бўлди-да, деб ўтирсам...*

*— Оббо, сен-ей, пул бераркан-у, боравермайсанми?*

*— Ноилож, айтганингдек, бордим. Борсам...*

*— Баракалла, бораканми?*

*— Боракан. Ана, қопда турибди пулнинг ҳаммаси. Олавер, деди. Кўп-ку, десам, кўп бўлса, ортиғига қарз бўлиб турарсан, деди. Кейин мен...*

*— Олавериш керак эди... олдингми?*

*— Олдим-у, аммо ўйлаб қолдим. Шунча пулни нима қиламан? Унинг буюртмасига ярим қопи ҳам етади, ортиқча шунча пулни.. вой-бў...*

*— Галварс бўлма. Сен олавер, у ёғи бир гап бўлади. Дарров бизнес режа тузамиз-да, бу пулларни жой-жойига ишлатиб, бизнесни юргизиб юборамиз. Шуям муаммоми? Хўш, кейин нима бўлди? Ахир кўр одам ҳам қопни даст кўтаради-ю, буюртмачи айниб қолмасидан, кўчадаги биринчи таксини тўхтатади. Биламан, сен ҳам анойи эмассан. Шундан шунга бориб, икки қўлингни, лаббай?.. Кейинчи, кейин нима бўлди?..*

*— Сенга берадиган қарзларни, яна бошқа қарзларни эсладим. Бунинг, устига ўзимнинг юришмай турган ишларимни ўйладим...*

*— Хуллас, олдинг.*

*— Олдим.*

*— Ичини очдинг.*

*— Очдим.*

*— Ичида жарақ-жарақ пул...*

*— Жарақ-жарақ эмас, бели букилмаган, ўрам-ўрам пул.*

*— Ў, зўр-ку. Роса кўп пул. Санашга тушдингми?*

*— Санаш осон эканми? Қанақа қилиб шунча пулни, ўйлаяпсанми?*

*— Балли, тўғри айтасан. Уни аввал уйга олиб келгансан. Шундайми?*

*— Аммо сабрим чидамай... балким мени алдаётгандир, деб қопни очдим. Кейин..*

*— Кейин нима бўлди?*

*— Ҳеч кутилмаганда...*

*— Айниб қолдими?*

*— Дунёда хотиндан бефаросат одам йўқ-да.*

*— Оббо, униям олиб боргандингми?*

*— Жинни бўлибманми? Энди қўлимни пулга чўзганимда, пулни энди ушладим деб турганимда...*

*— Кейин нима бўлди? Гапирсангчи!?*

*— Нима бўларди, хотин тушмагур уйғотиб юборди.*

**Зоир ЗИЁ**

# ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАН «АКАДЕМИК»

***Ҳажвия***

Баъзи талабаларга ҳайронсан: ўзлари қайдаги «гадой топмас қишлоқдан поездга осилиб келишади-ю уч-тўрт йил Тошкентда ўқиб, кучайиб қолишади, гўё Американи қайта очгандек... Ўргилдим-е, сенлардан. Мен эса бошқачаман. Ўзим Боғдоднинг Бузовқишлоғидан бўлсам-да, молталабмасман. Тошкентгаям отаюртдан эмас, ўсган жойим энаюрт– Олтиариқдан келганман. Олтиариқда турупу узум, бодринг-содринг экиб тирикчилик қилсам дипломлилардан яхши яшайман-у, лекин бир томондан ота орзуси, кейин Тошкентни телевизорда кўравериб меҳр қурғур тушиб қолган: хиёбонлари, ойимчалари чиройли... шунга шўтти танлаганман. Барибир катта шаҳарнинг гашти ўзгача-да. Қишлоқда қўшни қизига бир кўз тиксанг, водийда дув-дув гап. Байда сен билан бировнинг иши йўқ. Шундай бўлгач, бўтта ўқишни ким орзуламайди дейсиз?...

Институтим– темирйўлники: борлиғи рельс, шпал... телба хаёлдек чексиз, узун йўллар... кетаверади-кетаверади, орқа-кетига қарамайди. Сен қарасанг. Олдингда ҳам, ортингда ҳам бир хиллик–рельсу шпал. Шунинг учун менам ҳеч қаёққа қарамай, учинчи курсгача «аъло» ўқиб юрдим. Отам–орқамдаги танка, мадад бериб турди. Бироқ танка техника эмасми, ёғи тугаб, запчасти емирилгандек, учинчи курслигимда отахоннинг "мадори қуриди". Бу ёқда "контрактник"-ман. Домлалар сўроғига соқовлансанг, "танка" бенажот-у, "контракт" пули насия бўлгач, қийин бўларкан... бепарволикларим ўрнини тушкунлик эгаллади.

Бир куни ўлар дунёда сал кўнгил ёзай деб, кўчада бир-икки ўзимга ўхшаш "хунобi ошганлар" билан улфатчиликдан сўнг, ширакайфликда хон ўғлидек гердайиб ётоққа кириб келсам, қаршимдан чиққан учта бола ажинадек кўриниб кетди. Шунда мен оғзидаги суяк аксини сувда кўрган итдек уларга ташланганимни элас-элас эслайман. Бир пасда иккитасини "каратэ" қилиб ётқиздим, учинчиси қочиб қолди, қувиб етолмадим, қурғур. Қочгани тўғри ректоратга борибди... Йиқилганнинг бирови банисадан бадани лат еганига қоғоз қилдириб кепти.

Эртасига деканатда мен– "водийлик зўравон"нинг масаласи кўрилди. Кайфлигу шўхликларим бир дард, "контракт" пули тўланмагани қўш дард бўлиб, ҳайдалдим... Уч йил фақир киши панада, деб бодрингзорларда каллани дам олдирдим.

Кейин яна талабалигим қистаб қолди. Бу дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқ экан. Фарғонадан Тошкентга ота-бола бўзчининг мокисидек чопдик. Бу югурикларга отамнинг офтобда қатиқ ялаган дўстлари-ю турупу бодринг пули қўл келди. Хуллас, Тошкентга талабалигимнинг олтинчи йили яна қадрдон учинчи курсга тикландим. Билган у дейди, билмаган бу. Аммо ўқиш қадрини энди биляпман. Маза!... Мамасиддиқ билан Абдурайим дарс беради. Болалар уларни "сиз"лаб гапирса, мен ўтирган жойимда "сен"лайман. Ўтмишдаги "каратэчи"лигим ҳурматими ўзлари олдимга келиб сўрашади. Бошқалар бақадек оғзини катта очиб лолу ҳайрон...

Сессияларда иккичиларнинг уч олишларига даллолман. Бекоргамас, албатта. Ахир "текинга мушук офтобга чиқмас", дейишади-ку!

Кейин "практика" дегани ҳам менга чикора. Ёзда собиқ курсдошим бошлиқ ташкилотга йўлланма олдим. У мени "шеф" келди, деб, қийқириб кутиб олди... қўйинг-чи, бошқалардек қийналиб юрмадим. Бир-икки ой улфатчиликдан сўнг керакли қоғозларни тўлғазиб берди.

Мана шунақа гаплар... Ҳаммаси яхши бораётганди. Эҳ, аттанг, сўнггиси ўхшамади-да. Саккиз йил деганда институтни тугатдим. Ректоримиз тақсимот пайтида менга навбат келганда совуқ оҳангда шундай деб қолди:

–Узоқроққа, ўз юртига жўнатинглар. Қутулайлик, шу – "вечний" талабадан!

Тутақиб кетдим. Ахир отадек қадрдон бўп қолган Тошконни тарк этиш осонми.

–Домла!-, дедим ўрнимдан туриб. –Битта саволим бор эди?

–Нимайди,- деди ректор ўтирган жойидан менга хўмрайиб қараб.

Ва мен шартта борига кўчдим:

Ахир шунча йил чидадим. Бир курсда такрор ўқисам-да, сира зорланмадим. Саккиз йил, айтишга осон... Институтингиз шароитини академикларингиздан ҳам яхши биламан! Бари домлалар таниш, кўпи улфатим. Ахир мендай киришимли одамни қайдан топасиз? Олиб қолмайсизми. Институтда?! Бирга – бирга ишлардик! Керак бўлса, илм қилардик...

Ректор ҳам ўрнидан шахд билан турди-ю, ранги бўзариб менга ўқрайди. Сўнг оғиз жуфтлаб нимадир демоқчи бўлди, лекин тили калимага келмай яна жойига шилқ этиб ўтириб қолди. Кейин аста бош чайқаб пичирлади:

– Ҳмм... ўзимиздан чиққан "академик-ей!..."

Бошқа гапларини англаб бўлмади. Ҳолсиз ректорни икки проректор қўлтиғидан суяганча ташқарига олиб чиқиб кетишди. "Тағин нима демоқчи эди у?" Буни ҳеч ким билолмади... Олиб қолишадими– йўқми, бу ҳам ҳозирча номаълум... Эҳ, қолдиришганда институтдаги ҳамкурсларим ёнида унча-мунча илм қилиб, ростакамига академик бўлармидим...

**Адҳам ДАМИНОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳикмат. Бойлик ўткинчи нарсадир. Оқил киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

Байт:

**Бойлик роҳат бўлса
ҳам сенга,
Фано ғуборидан
бўлади барбод.
Ҳақиқий бойликни
кирит қўлингга,
Икки кунлик нарса
учун бўлма шод.**

● Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли ҳулқдир.

● Дўст уч табақа бўлади. Биринчиси, овқат кабидир ва улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси, давога ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дардга ўхшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

Байт:

**Толеи ёр билар
дўстликнинг қадрин,
Муҳаббат меҳрини
уриб жонига.**

● Ҳикмат. Ваҳоб ибн Мабнанинг айтишича, ҳийладан ҳоли бўлмаган олим ўғридир. Ақл либосини киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Байт:

**Нодон хато қилса,
раводир унга,
Айб қўйиб бўлмас,
йўлни билмайди.
Ҳайвондан минг марта
ёмонроқ ҳар ким,
Йўлни билиб унга
амал қилмайди.**

● Бир куни Анушервон мажлис уюштирган ва мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «товуқ патлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарса нима бўлиши мумкин» деди. Шу онда ҳалиги йигит сарой устида турган эди. Мулозимлар жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!» деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «ақлни зое қилмайдиган, касаллик қўзғатмайдиган». Яна сўради: «Гуллардан энг хуш ҳидлиси қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тириклигида хурсанд қиладиган, ўлганда номини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган муносиб фарзанддир!»

● Ҳикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳакимларининг умри узоқ, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емакдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такрорламас эди.

Қитъа:

**Бир ҳакимдан
эшитдимки, ўликдан,
Сўрса ўлмоқ учун
сабаб не ҳар чоқ.
Ўндан тўққиз ўлик
жавоб беради,
Ўлим сабабидир
кўп овқат емоқ.**

## ҚАРИСИ БОР УЙ

Ҳовлимизда турли хил мева дарахтлари бор. Уларнинг парвариши билан ўзим шуғулланаман. Ишдан кейин уларга сув қуяман, тагини юмшатаман, оқлаб-кўклайман. Хуллас уларни соғлом сақлаш, серҳосил бўлиши учун тер тўкиб, атрофида парвона бўламан.

Бу йил айни баҳор чоғи дарахтларга ишлов берадиган пайт бетобланиб касалхонага тушиб қолдим. Ўзим билан ўзим овора бўлиб дарахтлар парвариши хаёлдан кўтарилди. Ҳатто келди-кетди набираларга ҳам улардан бохабар бўлиб туриш, баҳорий ишлов бериш ҳақида сўз очмадим.

Қаричилик, касалхонада узоқроқ ётиб даволанишга тўғри келди. Шифо топиб уйга қайтган кунимнинг эртасига болалар: «Яна бироз дам олинг, биратўла тузалиб қайтинг» деб қўярда-қўймай санаторийга жўнатишди. Шундай қилиб денг дарахтлар парваришига бу сафар мутлақо қўл тегмади.

Соғайиб уйга қайтсам, нав-ниҳоллар бир аҳволда. Болалар ўз иши билан овора бўлиб, уларга қарамаганлиги кўриниб турибди. Кеч бўлса ҳам қўлимга токқайчини олиб, уларнинг ҳар томонга тарвақайлаб кетган бачки шохларини тартибга келтира бошладим. Набирам Беҳзод ҳаракатимдан норози бўлиб:

— Бобо, ҳозир шу зарилми сизга, ўзингиз шу бугун соғайиб қайтган бўлсангиз, уриниб нима қиласиз, — деди.

— Бўтам, ахир дарахтнинг ҳам жони бор. Унга мен қарамасам, сен қарамасанг, вақтида керакли парвариш қилмасак у ҳам касалга чалиниб қолади-да, десам у:

— Чалинса чалинар, нима дарахт одамдан азиз бўптими, — деди.

Бола-бола-да. Бўлмаса шу гапни айтармиди? Ахир ҳар бир дарахт мевасининг инсон учун ўзига хос фойдали хусусияти борлигини, у баъзан киши танаси учун ҳар қандай дори-дармондан афзаллигини у қайдан билсин.

Унга шу ҳақда айтганимда набирам ўйланиб қолди.

Қўрғонимиздаги дарахтларни бирма-бир кўздан кечирарканман, улардан иккитаси қаровсизликдан қовжираб қолганини кўриб кайфиятим бузилди.

— Ҳеч бўлмаса дарахт танасига қурт-қумурсқа тушмаслиги учун уларни оқлаб қўйсаларинг бўлардику, — дедим замзама қилиб.

Набирам айбдорлардек бўйнини эгди.

Шу куни бобо ва набира кечгача тиним билмадик. Беҳзод қўлига кетмон олиб дарахтларнинг тагини юмшатди, қондириб суғорди. Мен эса уларга шакл бериб тартибга келтирдим. Кечга бориб қарасак, қаровсиз дарахтларга жон киргандек бўлди, ҳовлимизга ҳам файз кирди-қўйди. Буни кўрган келинлар, набиралар (мен йўғимда дарахтларга эътибор қилмаганларидан уялинқираб) мени алқаб:

— Бобо, барибир сизнинг файзингиз бўлакчада, — дейишди. Шунда улар орасидан кимдир «Қариси бор уйнинг, париси бор» деб бекорга айтмаганлар-да деб қўйди.

## «БОТИРЛАР»

Кечки пайт 91-йўналишда қатновчи автобусга чиқдим. Салон анча тиқилинч бўлгани учун ўрта эшик томон аранг ҳаракат қиламан. Бир жойга келиб тўхтаб қолдим. У ёқ бу ёққа юришнинг иложи бўлмай қолди. Орқамда турган йигитчалар устимга ёпирилгудек сиқишади мени. Уларга «ўзларингизни сал тутиб туринглар», дегим келадию, лекин уларнинг ҳам орқасидан ўзгалар суриб келаётгандир деган хаёлда индамайман.

Ўрда бекатида йигитчалар автобусдан тушиб кетишди. Салон анча бўшаб қолди. Шунда ёнимдаги ўриндиқда ўтирган ўрта ёшли киши менга мурожаат қилди.

— Укажон, чўнтагингизни бир қаранг, ишқилиб пулларингиз бутми? Бояги йигитчалар роса чўнтакларингизни тит-пит қилиб юборишди, билмадингиз.

Дарҳол чўнтагимга қўл югуртирдим. Бугун олган ойлик маошим йўқ эди.

— Оббо занғарларей, ахир ўмариб кетишибдида, — деди унинг ёнидаги иккинчи киши ачиниб.

— Кўриб турган экансизлар, нега индамадингизлар, — дейман уларга аччиғланиб.

— Ие, укажон, эсингиз борми ўзи, индаб бўларканми? Уларнинг қўлида ҳамиша яроғи бўлади. Бирда ўзим кўрганман, ўртага аралашган бир кишининг юзини лезвия билан тилиб қочишган.

— Ҳов, ака, шунақа экан, нега бизга шипшитмадингиз. Бир додини бериб қўярдик бу тирранчаларни, — дея гап қотди орқа ўриндиқда ўтирган барзанги йигит.

— Биқинидан дарча очиб қўярдим, — деди унинг шериги дадилланиб.

Бу сўзларни эшитиб турган жувон лабини бурди.

— Қўйинглар, сизлар ҳам бу воқеани кўриб-кўрмасликка олиб ўтирдинглар. Ҳаммасини ўзим кузатиб турувдим. «Ёв қочса, ботир кўпаяр» деб шунга айтсалар керакда.

Жувоннинг бу гапидан ранги гезарган ҳар иккала барзанги бекатда индамайгина салонни тарк этишди.

## ҚАДР-ҚИММАТ СОВҒА БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Мактабдош дўстим Салимжон билан фавқулодда автобусда учрашиб қолдик.

— Топишган жойимизни қара-я,— деди у мен билан сўрашиб. — Бормисан? Қаерларда юрибсан?

Қизғин суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Чунки унинг тушадиган бекати яқинлашиб қолганди.

— Энди бундай, — деди Салимжон гапга нуқта қўйиб.— Шанба куни келинни олиб бизникига келасан. «Маликаи дилором»нинг туғилган кунлари. Шунга 3-4 та яқинларни таклиф этганмиз. Мириқиб суҳбатлашамиз.

Учрашишга шартлашиб хайрлашдик. Белгиланган куни хотиним билан «Чилонзор қайдасан» деб шифокор дўстимникига йўл олдик.

Эшикни ясан-тусан қилиб олган Лобархон очди.

— Вой келинглар, — деди у бизни истамайгина қаршиларкан. — Салим ака, қаранг, ким келди.

Остонада Салимжон кўринди. Салом-аликдан сўнг Лобархон хотиним тутган бир кийимлик атлас совғани қабул қила туриб бидирлай кетди:

— Вой, Раънохон овора бўлиб нима қилардиз. Атлас кўйлакларим шундоғам кўп-ку.

Бу гапдан кўнглимиз зил кетди. Лобархон эрига маъноли тикилди. Рафиқасининг шартакилигидан Салимжон ноқулай ҳолатга тушди.

Ниҳоят катта зални тўлдириб ўтирган меҳмонлар қаторидан жой олдик. Танишувдан сўнг зўр-базўр бўлсада, унча-мунча ҳазил-мутойиба қилиб ўтирдик. Лекин негадир кечанинг «тантанали қисми»ни бошлаш ҳақида ҳеч ким чурқ этмади. Назаримда кечага энг улуғ меҳмон ташриф буюрмаган эди. Давра тўридаги бўш турган икки ўриндиқ шундан далолат берарди. Бунинг устига эшик «тиқ« этса Лобархон ҳамманинг ғашига тегиб «Ана келдилар» дея ташқарига югурарди.

Даврадан файз кўтарила бошлади. Ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирганда эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Баъзилар чўчиб тушди.

— Каримжон акам, — деб юборди қувончдан ял-ял ёнган Лобархон эшик томон ошиқаркан.

Остонада кўринган ҳурматли меҳмон: «Узр, узр, кўрганимиз кўришганимиз энди», дея ортиқча такаллуф кутмай юқоридаги жойга пилдираб борди.

— Ҳа, айтмоқчи Салимжон, — деди у жойлашиб олгач, — ука энди иш бўлмаса манави калитни ол, машинамнинг юкхонасида иккита гилам бор эди. Шуни олиб чиққин. Ёнидаги биллур идишлар ҳам сизларга аталган.

Оқ сариқдан келган беўхшов семиз бу одамни уй эгалари нима учун шунчалар зор-интизор кутганликлари сабабини кейин тушундим. Инсон қадр-қимматини у келтирган совғаси билан ўлчайдиган бу оиладан дилим ранжиди.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Мунажжим башорати

**23 ИЮЛЬ, ШАНБА**

**Мушоҳадали бўлиш... Яъни ҳар бир хатти-ҳаракатни аввал ўйлаб, тарозуга қўйиб, оғир-енгил томонларини обдон таҳлил этиб, шундан кейингина амалга ошириш керак бўлади. Ҳар қандай вазиятда сабр-қаноат билан, ўз ҳиссиётларига эрк бермай, мушоҳада билан иш юритиш инсонларни турли нохуш ҳолатлардан асраб қолади. Мунажжим Нина Саванская бу шанба бизни шундай ҳаёт тарзини ўзлаштиришга даъват этади.**

Соатнинг тўхтаб қолиши ва дераза ойнасининг синиши бугун нохуш аломат ҳисобланади.

Бу кеча кўрилган тушлар ҳам ўнгидан келади.

ШАНБА КУНИ :

— астойдил тер тўкиб меҳнат қилинг — моддий фаровонлигингиз аввало меҳнатга муносабатингизга боғлиқ;

— ҳар қандай вазиятда оқиллигингизни намоён этинг, ҳиссиётларингизни жиловлай билинг;

— ишда ва уйда муносабатларингизни тартибга солинг, яқинларингизга қандайдир яхшиликлар қилинг;

— обрўйингизга ва атрофдагиларда қандай таассурот қолдираётганингизга эътибор қилинг;

— бирон-бир қарорга келищдан олдин хатти-ҳаракатларингиз оқибатини ўйлаб олинг.

Кўнглингиз тусаган нарсаларга кўп маблағ сарфлашни, болаларни ва балоғатга етмаган оила аъзоларингизни назоратсиз қолдиришни тавсия этмаймиз.

**24 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА**

**Мазкур якшанба астрология фани, мунажжимлар фикрича, анча қаттиқ келади. Юришмай ётган ишларни жойидан силжитиш, «осилиб қолган» муаммоларни тезроқ ҳал қилиш мақсадида кўпчилик одамлар шошиб, хатоларга йўл қўйишади. Ой ва Уран сайёралари кувватларининг Марс билан пинҳоний, аммо ғоят салбий акс таъсирлари шундан далолат беради.**

Илми нужум — астрологияда Ой сайёраси инсон ички туйғуларининг англаб бўлмас импульсларини билдиради. Уран тўла озодликка интилиш ва оқибат натижада тўнтаришлар, кутилмаган ҳодисалар билан боғлиқ. Марс курашишга бўлган чанқоқлик ва ғалаба йўлидаги ирода рамзи ҳисобланади.

Куннинг ўзига хос аломатларига эътибор бериш керак. Айниқса, калит, паррандалар ва исмлар билан боғлиқ аломатларга диққат қилинг. Тасодифан бир неча бор эшитган исмингиз яқин орада сиз учрашадиган кишининг исми бўлиб чиқади.

**ЯКШАНБАДА:**

— иложи бўлса — дам олинг, бўлмаса — уйда ишланг;

— сафарлар, харидлар, амалий учрашувларни бошқа вақтга кўчиринг;

— турли муаммоларга дуч келганингизда қалбингиз амрига бўйсунинг;

— рафиқангиз (эрингиз)га, оиланинг бошқа аъзоларига кўпроқ ғамхўрлик қилинг;

— мумтоз бадиий адабиётларни мутолаа қилинг.

Таваккал қилиш, тасодифларга ўралашиб қолишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

**25 ИЮЛЬ, ДУШАНБА**

**Ҳа, мунажжимлар бугун раҳбарлар билан мулоқотлар, нуфузли ва машҳур кишилар билан учрашувлар фойдали бўлишини таъкидлашган. Бугунги кунни сеҳрли кун ҳам дейишади. Шу куни исталган киши инсон қалбини забт этиши ёки нозик фазовий таъсирлар эгаси бўлиши мумкин.**

Бугунги кун адолат, ҳалоллик, олдинги гуноҳлар учун жавоб бериладиган кун ҳисобланади. Суд қарорлари, аппеляциялар учун бугунги кун қулай келади. Одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш, ўзаро ахборотлар алмашиш керак. Байрам дастурхонигами ёки оддий меҳмондорчиликками — таомлар пишириш билан машғул бўлиш яхши. Кўпроқ суюқлик, шарбатлар, винолар ичиш мумкин.

Кечаси юлдузларга қараб, ўз келажагингизни билиб олишингиз, кўпгина саволларга жавоб топишингиз мумкин.

**БУГУН:**

— муҳим янги ишни бошлайверинг;

— меҳнатда ташаббускор бўлинг;

— ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга дадил киришаверинг;

— ўз бошлиғингиз, илмий раҳбарингиз, ўқитувчингиз, адвокатингиз билан учрашиб, зарур маслаҳатлар олинг;

— ўзингиз ҳурмат қиладиган кишилар орасидан ҳамфикр дўст топишга интилинг;

— ўз ақлий ва ижодий салоҳиятингиздан тўлароқ фойдаланинг, турли ғояларингизни рўёбга чиқаришга киришинг.

Дағдаға билан гапиришдан, ғийбатчиликдан, миш-мишларга қулоқ солишдан эҳтиёт бўлинг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609.

1 2 3 4 6